

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ХАТАМОВ ХОЛДОРЖОН МАНСУРЖОН ЎҒЛИ

**ҲОМИЛА ГЕМОЛИТИК КАСАЛЛИГИНИ ТАШХИСЛАШНИ ВА
ДАВОЛАШНИ ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хатамов Холдоржон Мансуржон ўгли

Ҳомила гемолитик касаллигини ташхислашни ва даволашни
иммунологик жиҳатлари..... 3

Хатамов Холдоржон Мансуржон угли

Иммунологические аспекты диагностики и лечения гемолитической
болезни плода..... 21

Khatamov Kholdorjon Mansurjon ugli

Immunological aspects of the diagnosis and treatment of fetal hemolytic
disease..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ХАТАМОВ ХОЛДОРЖОН МАНСУРЖОН ЎҒЛИ

**ҲОМИЛА ГЕМОЛИТИК КАСАЛЛИГИНИ ТАШХИСЛАШНИ
ВА ДАВОЛАШНИ ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Tib5070 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жабборов Улуғбек Узокович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ҳамдамова Муҳайёхон Тўхтасиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупбаев Рустем Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бишкек халқаро тиббиёт институти

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «12» Сентябр соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (148 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «5» Сентябр куни таркатилди.
(2025 йил «29» август даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котибидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Иммунологик профилактика усулларининг кенг қўлланилишига қарамай, ҳомила гемолитик касаллиги замонавий перинатологияда ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. ЖССТ ташкилоти маълумотларига кўра, ривожланган давлатларда узоқ йиллар мобайнида антенатал ва туғруқдан кейинги иммунологик профилактиканинг қўлланилиши сабаб, резус аллоиммунизация кўрсаткичи 0,1-0,3% ни ташкил қилади (Baskett T.F. et al., 2019). Ҳомила гемолитик касаллиги онанинг ҳомила эритроцитларига нисбатан аллоиммунизацияси натижасида келиб чиқади ва бу ҳомила эритроцитларининг иммун парчаланишига ҳамда фетал камқонликка олиб келади (Carolien Zwiers, Inge van Kamp et al., 2017). Ҳар йили резус-номутаносиблик 160000 дан зиёд перинатал ўлимларнинг сабаби, ҳамда шу ўринда ўрта ва паст даромадли мамлакатларда 100000 болаларнинг ногиронлиги сабаби ҳам ҳисобланади (Visser GHA, Di Renzo GC et al., 2019).

Бутун жаҳонда ҳозирги кунда ҳомила гемолитик касаллигининг оғир шакллари даволашнинг танлов усули ҳомила ичи қон куйиш фетал амалиёти ҳисобланиб, сўнги ўн йилликларда ушбу усул перинатал натижаларни тубдан яхшиланишига олиб келди. Ушбу фетал амалиётнинг гемолитик касалликнинг оғир шишли ҳамда бошқа шаклларида қўлланилиши, чақалоқларнинг яшаб қолиш кўрсаткичларини тегишли тарзда 75 ва 90% гача кўтарилишига олиб келган (Wenxu Pan, Haiyan Wu, 2023). Ҳомила ичи қон куйиш фетал амалиёти натижасида юзага келадиган иммуномодуляция, иммуносупрессия ва яллиғланиш кўринишида намоён бўлади. Иммун яллиғланиш – лейкоцитларнинг прайминги, нейтрофиллар хемотаксисини кучайиши ва бошқалар билан кечади. Иммуносупрессия эса табиий қотил (natural killers) хужайралар фаолияти бузилиши, Т-лимфоцитлар нисбатининг ўзгариши, лимфоцитлар пролиферациясининг сусайиши ва бошқа ҳолатлар билан рўй беради (Muszynski J.A., Spinella P.C., Cholette J.M. et al., 2017).

Юртимиз тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2016 – 2018 йилларда чақалоқлар гемолитик касаллигининг учраш кўрсаткичларининг ортиши кузатилган. Ҳозирги кунда, ушбу муаммонинг бизнинг мамлакатдаги долзарблиги ўрганилганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий Статистика бўлими маълумотлари бўйича, 2021 йилда 869422 чақалоқлар, 2022 йилда 911875 чақалоқлар, 2023 йилда эса 937464 нафар чақалоқлар туғилган ва аҳолининг демографик ўсиши кузатилмоқда. Резус-иммунизация иммунопрофилактикаси усулларининг кенг қўлланилишига қарамай, гемолитик касаллик билан туғилаётган чақалоқлар сони кўрсаткичи юқориликча қолмоқда. Статистика маълумотларига кўра, Республикада 2021 йилда 2086 нафар (0,24%) чақалоқ, 2022 йилда 2281 (0,25%) ҳамда 2023 йилда эса 2812 (0,3%) чақалоқлар гемолитик касаллик билан туғилган. Ушбу касалликнинг ҳам рақамларда, ҳам фоиз улушларда кўрсаткичи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида замонавий тиббиётнинг муҳим жиҳатларидан бири бу – тиббий ёрдамнинг юқори технологияли ва аҳоли учун ушбу тиббий ёрдамни олиш имконияти мавжудлиги ҳисобланади. Илмий тадқиқот резус-иммунизация ҳолатида туғилган чақалоқларда туғма ҳужайравий ва гуморал иммунитетни ўрганишга бағишланган бўлиб, перинатал натижаларни прогноз қилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Шунингдек, ушбу илмий тадқиқот доирасида замонавий ташхислаш усулларидан, хусусан, резус-иммунизацияни аниқлашда гел-технологиялардан фойдаланиш, анъанавий тарзда қайта ва қайта антирезус антитаначалар титрини аниқлаш усулини инкор қилган ҳолда, резус-номутаносиб ҳомиладорларни антенатал даврда самарали олиб бориш ва бошқариш имконини беради. Мазкур ҳолат ушбу илмий ишнинг долзарблигини белгилаб беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097 сонли “2030 йилгача фанни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони талабларига тўлиқ мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бундан ташқари, бугунги кунда дунё миқёсида ҳам ҳомила ичи қон қуйиш жараёнида иммунологик модуляция масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мавжуд тадқиқотлар асосан катталар гуруҳида ва болалар реанимацияси ҳамда интенсив терапия бўлимларидаги беморлар иштирокида ўтказилган. Шу сабабли, резус-номутаносиблик ҳолатида ҳомилада иммунологик модуляциянинг шаклланиш жараёнини, донорнинг аллоген эритроцитларининг иммун жавоб ривожланишига таъсирини, шунингдек, ушбу жараённинг ҳомила ичи қон қуйишга таъсирини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга (Crawford T.M., Andersen C.C., Hodyl N.A. et al., 2022).

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) ҳудудида, хусусан Россия Федерациясида, Н.Ю.Устьянцева, Н.В.Путилова ҳамда Г.Н.Чистякова (2021 й.) ўзларининг илмий изланишларида резус-манфий ҳомиладорларда иммун-жавоб хусусиятларини ўрганишган. Алоҳида эътибор ҳомила антигенларига нисбатан антинаталар ҳосила бўлиш жараёнларига қаратилган, шунингдек, ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти ҳомиланинг иммунологик кўрсаткичларига, хусусан, иммун тизимнинг ҳужайравий иммунитет қисмига таъсири ўрганилган.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касаллигини ўрганишга бағишланган қатор муҳим илмий тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, резус-иммунизацияга учраган ҳомиладор аёлларда чақалоқлар гемолитик касаллигини олдини олиш ва даволаш усулларини илмий жиҳатдан исботлаб берилган. Шу билан бир қаторда, атоқли тадқиқотчиларимиз ҳомила гемолитик касаллигига бағишланган

тадқиқотларда ҳомила гемолитик касаллигининг антенатал диагностикаси, кордоцентез усулини ташхис қўйишда қўллаш имкониятларини таҳлил қилган, мазкур патологияда ҳомила бош миясининг шикастланишларини МРТ ёрдамида ўрганилган ҳамда резус-номутаносибликнинг клиник ва патогенетик жиҳатларини чуқур ўрганган ҳолда олиб бориш алгоритмлари ишлаб чиқилган (У.У. Жабборов, 2019). Бироқ, юқоридаги тадқиқотлар кенг қамровли ва илмий жиҳатдан аҳамиятли бўлганига қарамасдан, фетал жарроҳлик амалиётлари ўтказилгандан сўнг, ҳомила ва чақалоқлардаги иммунологик кўрсаткичлар, туғма хужайравий ва гуморал иммунитет хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий – тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2023 PhD.110) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш, ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: гемолитик касалликда фетал технологияларни антенатал қўллашнинг иммунологик самарадорлигини чақалоқларда эрта неонатал даврда ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

Республика перинатал марказида сўнги 2 йил мобайнида резус-иммунизацияли ҳомиладор аёлларда перинатал натижаларни ўрганиш;

G синфи иммуноглобулинларни гел технологиялар асосида таҳлил қилиш орқали ҳомиладорларда резус-иммунизацияни ташхислаш усулларини такомиллаштириш;

гемолитик касаллик билан туғилган чақалоқларда туғма хужайравий иммунитет хусусиятларини қиёсий жиҳатдан аниқлаш;

антенатал даврда фетал технологиялар қўлланган ҳолда даволанган янги туғилган чақалоқларда туғма гуморал иммунитет хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти 2023-2024 йилларда Республика перинатал марказига ётқизилган ҳамда туғруғи амалга оширилган 60 нафар ҳомиладор аёллар бўлган. 60 ҳомиладор аёллар 2 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ антенатал даврда резус-иммунизация анъанавий тарзда олиб борилган аёллар. 2-гуруҳ эса антенатал давр ҳомила ичи қон қуйиш қўлланган ҳолда олиб борилган ҳомиладорлар. Барча туғилган 60 нафар чақалоқларда, қўлланган усуллар самарадорлигини эрта неонатал даврда баҳолаш учун, ҳомиладорликда фетал технологиялар қўллаш ҳамда анъанавий олиб боришдан кейин иммунитет кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш имконини берган иммунологик текширув ўтказилган. Назорат гуруҳини эса 20 нафар соғлом муддатида туғилган чақалоқлар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида резус-иммунизацияли ҳомиладор аёлларнинг резус иммуноглобулин G синфларини аниқлаш учун қони,

шунингдек, гемолитик касаллик билан туғилган чақалоқларда олинган киндик қони ҳисобланади.

Тадқиқотнинг текшириш усуллари. Диссертация ишида клиник, инструментал (УТТ), иммунологик ҳамда статистик тадқиқот усуллари қўлланилди. Илмий тадқиқотда исботланган тиббиётнинг тамойил ва асослари инобатга олинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

резус иммунизацияли ҳомиладорларда IgG1 ва IgG3 ларни гел микроусуллари ёрдамида аниқлашни қўллаш информативлиги иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан асосли эканлиги исботланган;

антенатал даврда фетал жаррохлик амалиётлари қўлланган резус иммунизацияли ҳомиладорлардан туғилган чақалоқларнинг туғма гуморал иммунитет кўрсаткичларини яхшиланиши (IgM, IgG, IgA), эрта неонатал даврда чақалоқларнинг яллиғланиш потенциалини пасайиши илмий асосланган;

резус номутаносиблик ҳолатидаги ҳомиладорларнинг антенатал даврда ҳомила ичи қон қуйиш фетал жаррохлик амалиётлари ўтказилиши, гемолитик касаллиги мавжуд чақалоқларда туғма хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (CD3+, CD4+, CD8+, CD15+/56+, иммунорегулятор индекс) яхшиланиши, туғма иммун танқис ҳолат ривожланиши пасайиши илк маротаба илмий асосланган;

антенатал даврда ҳомила ичи гемотрансфузияси ўтказилмаган чақалоқларнинг хужайравий иммунитет кўрсаткичларида, хусусан, CD3+, CD4+ кўрсаткичларининг пасайиши, CD8+ ва CD16+/56+ кўрсаткичларининг эса кўтарилиши каби жиддий ўзгаришлар юзага келиши илмий исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда юқори диагностик ва прогностик аҳамиятга эга, резус-иммунизацияни ташхислаш бўйича янги гел технологиялари қўллаш асосланган. Бу тадқиқот усули ҳомиладорлик даврида фақат бир маротаба ўтказилади ва нотўлиқ антирезус антитаначалар титрининг тез-тез анъанавий ўтказилишига зарурат қолмайди;

G синфдаги иммуноглобулинларнинг аниқланиши шуни кўрсатдики, энг кўп учрайдиган ва клиник жиҳатдан аҳамиятли бўлган субсинф бу - IgG1 бўлиб, унинг улуши IgG3 кўрсаткичидан деярли икки баробар юқори бўлган. IgG1 ва IgG3 резус иммуноглобулинларининг қўшма аниқланиши иммунологик жиҳатдан ноқулай прогностик мезон сифатида баҳоланиши керак, чунки ушбу ҳолат ҳомилада гемолитик касалликнинг оғир шакллари ривожланиши ҳавфи билан узвий боғлиқ;

антенатал даврда ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти ўтказилган ҳомиладорлардан туғилган чақалоқлар Т-хужайравий иммунитетни кўрсаткичлари ўрганилганда, ҳомила ичи даволаш усулининг нафақат ҳомила гематологик кўрсаткичларини, балки иммунологик ҳолатини ҳам яхшилаш йўли билан иммунологик кўрсаткичларининг тикланиши кузатилган. Шу

ўринда ушбу ҳолатга, неонатал даврда иммунтанқислик ҳолатлари профилактикасининг муҳим омили сифатида қараш мумкин;

фетал аралашувсиз туғилган чақалоқларда гуморал иммунитет тизимида ҳам фаоллашув белгилари кузатилди: иммуноглобулин М ва А миқдорлари назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада юқори бўлиб, бу резус-номутаносиблик вақтида ҳомиланинг кучли антиген таъсирига жавоб сифатида антитаналарнинг ишлаб чиқарилиши кучайганини акс эттирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот давомида янги, замонавий диагностик ва даволаш усулларидадан фойдаланиш орқали таъминланди. Қўлланилган тадқиқот ва даволаш усуллари етакчи тиббиёт ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган замонавий назарий ва амалий тавсияларга тўлиқ мос келади. Бундан ташқари, натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотнинг методологик асосланганлиги, илмий иш учун танлаб олинган беморлар сонининг етарлилиги орқали таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: илмий иш давомида, ҳомила гемолитик касаллигининг оғир шакллари кўррекция қилишга йўналтирилган юқори технологик фетал жаррохлик амалиётлари, юқори клиник самарадорликни кўрсатган ҳолда, перинатал натижаларни янада яхшиланишига имкон яратиши аниқланди.

Ушбу илмий тадқиқот ҳомилдорларда резус-иммунизацияни аниқлаш соҳасида янги имкониятларни очиб берган. Хусусан, G синфдаги иммуноглобулинларни гел технологиялари ёрдамида аниқлаш каби инновацион усулларнинг қўлланилиши, резус-иммунизацияни эрта ва аниқ ташхислашга хизмат қилади.

Шунингдек, янги туғилган чақалоқларнинг иммунологик кўрсаткичларини ўрганиш, ҳомилдорлик давомида ўтказилган фетал амалиётларнинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Бу ҳолатлар резус-иммунизацияда иммунологик кўрсаткичларни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини аниқлатади ва тадқиқотнинг юқори илмий аҳамиятини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ҳомила ичи қон қуйиш амалиётидан кейинги гуруҳдаги чақалоқларда Т-хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларининг яхшиланиши кузатилган, бу эса янги туғилган чақалоқларда яллиғланиш потенциали пасайганини кўрсатади. Юқоридаги натижалар мазкур илмий ишнинг амалий аҳамиятини тўлиқ тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларини тадбиқ этиш. Илмий иш жараёнида фетал жаррохлик амалиётлари (ҳомила ичи қон қуйиш) ва гел технологиялар ёрдамида юқори иммуноген IgG1 ва IgG3 резус иммуноглобулинларининг аниқлашнинг янги ташхислаш ва даволаш усулларидадан фойдаланган ҳолда олинган хулосалар асосида:

резус-номутаносиблик натижасида юзага келган ҳомила гемолитик касаллигининг ривожланиши, ҳомила ичи қон қуйиш фетал жаррохлик амалиётлари ўтказиш йўли билан ҳомила ва чақалоқларнинг иммун тизимида таъсир ўтказиш орқали, фетал амалиётларнинг иммунологик самарадорлигини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Резус-

иммунизацияли ҳомиладорларда гемолитик касалликни ҳомила ичи даволашнинг иммунологик жиҳатлари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти, Эксперт Кенгашининг хулосаси №24-м/109, 2024 йил 26 декабрдан). Мазкур услубий тавсияномалар орқали янги туғилган чақалоқларда, айниқса, туғма Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш, ўтказилган фетал амалиётлар самарадорлигини баҳолаш имкони яратилган. Шунингдек, резус-иммунизацияли ҳомиладорлар билан ишлаш тактикаси такомиллаштирилган ва ушбу тоифадаги беморларда юзага келиши мумкин бўлган перинатал асоратлар, жумладан перинатал йўқотишларнинг юқори кўрсаткичларини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот давомида резус-иммунизацияли ҳомиладорларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган натижалар олинган ҳамда улар амалиётга жорий этилган. Хусусан, ушбу натижалар Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали (13.01.2025 й.; буйруқ №19); Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиали (13.01.2025 й.; буйруқ №44) да амалиётга татбиқ қилинган.

Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги №19/40-сон хулосаси олинган.

Биринчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: резус-иммунизация ҳолатида ҳомиладорларда антирезус антитаналар титрини аниқлаш диагностик ва прогностик жиҳатдан кам аҳамиятли ҳисобланиб, гел технологиялар ёрдамида резус иммуноглобулинларнинг G субклассларини ўрганиш катта прогностик ва диагностик аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида оғир гемолитик касаллик ҳолатларини олдини олишга, ўз вақтида ҳомила ичи амалиётини бошлашга ёрдам берган. Нотўлиқ антирезус антитаналарни текшируви учун ўртача 756 000 сўм маблағ сарфланади ва ҳомиладорлик даврида бир неча маротаба ўтказилади. Гел технологияси ёрдамида резус иммуноглобулинларнинг G субклассларини текшириш эса ҳомиладорлик даврида фақат бир маротаба ўтказилади ҳамда 135 000 маблағ сарфини талаб қилади. Хулоса. Диагностик тадбирларни такомиллаштириш ўртача ҳар бир бемордан 621 000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ҳомила ичи қон қуйиш амалиётининг иқтисодий самарадорлиги гемолитик касаллик билан туғилган чақалоқ даволаниши учун катта сарфларни талаб қиладиган, эрта неонатал даврда катта миқдорларда ва қайта қон алмаштириш амалиётларининг камайиши, реанимацион ўринларда чақалоқларнинг нисбатан кам даволаниши ҳамда касалланиш ва ўлим билан боғлиқ бўлган статистик кўрсаткичларнинг яхшиланиши билан тушунтирилади. Ушбу ҳолатлар ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 18 736 000 сўмгача тежалишини кўрсатди. Бу эса маблағ тежалиши, мукамаллаштирилган даволаш жараёнини таъминлади. Хулоса. Антенатал даврда фетал амалиёт

Ўтказилиши ҳомиладорлик муддатларини чўзишга, туғадиган аёл учун психологик жароҳат етказадиган неонатал касалланиш ва перинатал ўлим ҳолатларини камайишига, ва бу ўз ўрнида аёллар ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келиши орқали юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришилган.

Учинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: гемолитик касаллиги мавжуд чақалоқларнинг туғма иммунитет кўрсаткичларини стационар шароитларда ўрганиш йўли билан госпитализация учун сарфланадиган манбалар иқтисод қилинди – стационарда бир кун ётиш сарфи 223 500 сўмни ташкил қилади (умумий иқтисодий самарадорлик 1 нафар бемор учун 447 000 сўмни ташкил қилган). Хулоса. Гемолитик касалликда туғма ҳужайравий иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш 447 000 сўм Бюджет маблағларини ва 269 000 сўм Бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилишга имкон берди.

Тўртинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: антенатал даврда фетал амалиёт ўтказилмаган ҳолатда эрта неонатал даврда чақалоқларда иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш, резус-иммунизация ҳолатидаги ҳомиладорликни олиб бориш стратегиясини тўғри танлашга имкон берган ва шу орқали юқори ижтимоий самарадорликка еришилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: услубий тавсиянома татбиқ этилгунча ҳомила гемолитик касаллиги мавжуд ҳомиладорларни олиб боришда, барвақт ҳомила гемолитик касаллигининг оғир, хусусан шишли шакллари ривожланиши рўй берган ҳамда ушбу ҳомиладорликлар анча эрта муддатларда тўхтатилган. Бу эса ўз навбатида оғир гемолитик касаллик билан оғриган экстремал кичик вазнли чақалоқлар дунёга келишига олиб келган ва аёлларни туғруқдан кейинги даволаниши ҳамда психологик ҳолатини яхшилашга 5 273 000 сўмни ташкил қилган бўлса, тавсиянома татбиқ этилгач ҳаражатлар 2 564 000 сўмгача камайган. Хулоса. Ҳомила гемолитик касаллигида ҳомила ичи қон қуйиш фетал жарроҳлик амалиётини ўтказиш, ҳомиладорлик муддатини узайтиришга ва шу билан бирга бирмунча етилган чақалоқларни туғилишига, аёлнинг стационарда нисбатан камроқ қолишига ҳамда ҳаёт сифати яхшиланишига ёрдам беради ҳамда 2 709 000 сўм маблағларни тежаб иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 2 та илмий-амалий Анжуманларда, жумладан 1 та Ҳалқаро илмий – амалий Анжуманда маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр қилинган, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш қисмида** резус иммунизация ҳолатида ҳомиладорларда замонавий фетал технологиялар қўлланилишининг иммунологик самарадорлиги бўйича долзарблик даражаси асосланган, илмий ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган. Илмий иш Ўзбекистон Республикасида фан ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келади. Илмий янгиликлар, асосий амалий натижалар ва уларнинг амалий акушерликка татбиқ этилиши, шунингдек, олинган натижаларнинг амалий аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Наشر қилинган илмий ишлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган, шунингдек, диссертациянинг тузилиши баён қилинган.

Илмий ишнинг **“Ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касаллигининг ўзига хос хусусиятларига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)”** деб аталган **биринчи бобида**, гемолитик касалликнинг асосий жиҳатлари бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг батафсил шарҳи келтириб ўтилган. Ҳомиладор аёлларда резус-иммунизация шаклланишининг иммунологик механизмлари, она организми ва ҳомила иммунитетининг ўзаро таъсири хусусиятлари, шунингдек, ҳомиладор аёл организмида сенсбилизацияга олиб келувчи таъсир омиллари кўриб чиқилган. Шунингдек, ушбу бобда, ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касаллиги ривожланишида хужайравий иммунитет хусусиятларига, иммунокомпетент хужайралар популяциясидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби, **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”**да илмий ишга олинган клиник материаллар ва қўлланилган усулларнинг умумий тавсифи берилган. Илмий иш 2023 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда, Республика перинатал маркази клиник базасида амалга оширилган. Тадқиқотга резус-иммунизация ҳолати тасдиқланган 60 нафар ҳомиладор аёллар жалб қилинган бўлиб, улар марказнинг ҳомиладорлар патологияси бўлимига госпитализация қилинган. Антенатал олиб бориш стратегиясига қараб, барча беморлар икки клиник гуруҳга ажратилган.

Биринчи гуруҳга антенатал даврда резус-антитаналар мавжудлигини аниқлашни серологик усулини, доплерометрия билан ультратовуш мониторингини ҳамда резус-иммунизация ҳолати белгилари аниқланганда – муддатдан олдинги туғруқ, кейинчалик эса чақалоқларга қон алмаштириб қуйиш амалиётини ўтказишни ўз ичига олган анъанавий тарзда олиб бориш тактикаси қўлланган 40 нафар ҳомиладорлар олинган. **Иккинчи гуруҳ** антенатал даврда янги инновацион фетал технологиялар қўлланган 20 нафар ҳомиладордан иборат бўлган. Ушбу технологиялар трансабдоминал кордоцентез, ҳомила қонининг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларини лаборатор баҳолаш, шунингдек, оғир камқонлик белгилари аниқланганда антенатал ҳомила ичи томир ичи қон қуйиш каби амалиётларини ўз ичига олган.

Диссертациянинг **«Резус-иммунизацияли ҳомиладорларда юқори технологик фетал жарроҳлик амалиётларини қўллашни**

самарадорлигини баҳолаш» деб номланган **учинчи боби**да беморларнинг клиник-демографик тузилиши, клиник маълумотларнинг солиштирма таҳлили берилган. Шунингдек, резус-номутаносибликни анъанавий ва инновацион ёндошувда перинатал натижаларнинг солиштирма хусусиятлари берилган.

Ҳомиладорлар ёш профили таҳлил қилинганда, анъанавий гуруҳ ҳомиладорларида ёш даражаси 20 ёшдан 40 ёшгача бўлганлиги аниқланди, ўртача ёш эса $30,43 \pm 0,75$ ни, шу ўринда инновацион 2-гуруҳда ҳомиладорлар ёши 24 дан 42 гачани ташкил қилган, ўртача ёш эса $31,95 \pm 1,03$ ёшни ташкил қилган.

Ҳомиладорлар яшаш жойи таҳлил қилинганда, Республика ҳудудларидан келган аёллар Тошкент шаҳри аёлларига нисбатан 4,8 мартаба кўп эканлиги аниқланган. Ўтказилган тадқиқот натижасида, текширувга олинган аёллар орасида биринчи туғувчи аёллар йўқлиги, бу эса ўз навбатида касалликнинг иммунологик табиатидан дарак беради (1-жадвал).

1-жадвал

Резус-иммунизацияли аёлларда ҳомиладорликларнинг сони, %

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари	
	1 гуруҳ	2 гуруҳ
	%	%
1 ҳомиладорлик	0±0	0±0
2 ҳомиладорлик	15,0±5,65	15,0±7,98
3 ҳомиладорлик	22,5±6,60	5,0±4,87**
4 ҳомиладорлик	27,5±7,06	25,0±9,68
5 ҳомиладорлик	12,5±5,23	10,0±6,71
6 ва ундан кўп	22,5±6,60	45,0±11,12*


Изоҳ: * – ўрта арифметик қийматлар орасидаги фарқнинг ишончлилиги биринчи гуруҳга нисбатан белгиланган (** – $p < 0,01$; * – $p < 0,001$).

Биринчи гуруҳда 3 ва 4 ҳомиладорлик билан, иккинчи гуруҳда эса 6 ва ундан ортиқ ҳомиладорликдаги аёлларни устунлик қилиши, иккинчи инновацион гуруҳдаги аёлларнинг оғирлашган акушерлик анамнези юқори даражада эканлигини кўрсатган. Шунга қарамай, ҳомиладорликлар сони, паритет ва ҳомиладорларни олиб бориш стратегияси ўртасида статистик аҳамиятли боғлиқлик аниқланмаган, ушбу ҳолат, резус-номутаносиблик ҳамда юқоридаги параметрлар ўртасида ишончли боғлиқлик йўқлигига ишора қилган.

Тадқиқотдаги ҳомиладорлар туғруғи амалга ошган гестацион муддатларда сезиларли фарқлар аниқланган. Анъанавий олиб борилган резус-иммунизацияли ҳомиладорлар ўртача $35,1 \pm 0,46$ ҳафтада, шу ўринда, иккинчи гуруҳда ушбу кўрсаткич $32,35 \pm 0,38$ ёшни ташкил қилган. Статистик усуллар ёрдамида ўртача арифметик қийматларнинг биринчи гуруҳга нисбатан тафовутнинг ишончлилиги аниқланган.

Акушерлик анамнезининг таҳлили гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқлар борлигини кўрсатган. Иккинчи гуруҳ вакиллари эса ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатлари, биринчи гуруҳ аёлларида статистик ишончли тарзда

абортлар кўп учраган (умумий когортанинг 20%га қарши 15%), шунингдек, ўз-ўзидан ҳомила тушиши ҳам ишончли равишда учраган (бир мартаба – 15,0%, икки мартаба – 2,5%). (30,0% ҳолатда 17,5%га қарши), перинатал йўқотишлар (60,0% ҳолат 32,5%га қарши), кўплаб перинатал йўқотишлар ҳамда ўлик туғишлар (3 ва ундан ортиқ йўқотишларни ҳам ўз ичига олади) кўрсаткичлари бўйича статистик жиҳатдан устунлик қилган. Ушбу маълумотлар юқори технологияли амалиётларга олинган гуруҳ вакиллари акушерлик анамнезининг оғирроқ эканлигини акс эттиради ҳамда ушбу ҳолат эҳтимол клиник жиҳатдан энг мураккаб вазиятлар ихтисослаштирилган муассасаларга йўналтирилиши билан боғлиқ бўлган (2-расм).



1-расм. Акушерлик анамнезини таҳлили, %

Соматик ҳолатни баҳолашда, фақат иккинчи гуруҳ аёлларида ишончли тарзда пастроқ бўлган камқонлик даражаси бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланган. Бу ҳолат камқонликнинг ҳомиладорликни олиб бориш тактикасига потенциал таъсири ҳамда тадқиқотларни катта танлов гуруҳлари ўртасида ўтказишни талаб қилиши мумкинлигини кўрсатган (2-жадвал).


2-жадвал

Ҳомиладорлардаги соматик касалликлар таҳлили, %

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари			
	1 гуруҳ		2 гуруҳ	
	abs	%	abs	%
Камқонлик	34	85,0±5,65	12	60,0±10,95*
Юрак қон томир касалликлари	4	10,0±4,74	1	5,0±4,87*
Варикоз касаллиги	10	25,0±6,85	2	10,0±6,71**
Семизлик	6	15,0±5,65	3	15,0±7,98
Буйрак касалликлари	3	7,50±4,16	0	0±0
Ошқозон-ичак тизими касалликлари	3	7,50±4,16	0	0±0
Қандли диабет	1	2,5±2,47	0	0±0
ЎРИ	15	37,5±7,65	12	60,0±10,95**

Изоҳ: * – ўрта арифметик қийматлар орасидаги фарқнинг ишончилиги биринчи гуруҳга нисбатан белгиланган (** – $p < 0,01$; * – $p < 0,001$). ЎРИ – ўткир респиратор инфекция.

Ультратовуш кўрсаткичлари орасида гуруҳлар ўртасида ягона ишончли дифференциацияловчи мезон сифатида фетал амалиётларгача ҳомила ўрта мия артериясида систолик қон оқими тезлигининг ортиши муҳим роль ўйнаган. (3-расм).



2-расм. Ультрасонографик ва доплерометрик кўрсаткичлар, %
 Изоҳ: БЙҲҚАБ – бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши бузилиши

Ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти ўтказилган ҳомиладорларда, 100% ҳолатларда ҳомиланинг ўрта мия артерияси систолик қон оқими тезлиги кўрсаткичи 1,5 МоМ (Multiple of Median) дан юқори бўлган, шу ўринда анъанавий гуруҳда фақат 82,5% ҳолатда юқоридаги вазият кузатилган. Ушбу ҳолат иккинчи гуруҳ ҳомилаларида антенатал даво муолажаларигача камқонлик даражасининг чуқур ўзгаришларини кўрсатган.

Муддатдан олдинги туғруқлар кўрсаткичлари бўйича гуруҳлар ўртасида яққол тафовутлар аниқланган: фетал жарроҳлик клиник баённомаларининг, 33-34 ҳафталик ҳомиладорлик муддатларини, туғруқ учун оптимал эканлиги каби хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, иккинчи гуруҳ аёлларининг барчасида муддатдан олдинги туғруқлар рўй берган (3-жадвал).

3-жадвал

Муддатдаги ва муддатдан олдинги туғруқлар ҳамда қоғонок пардаларининг барвақт ёрилиши, M±m, %

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари			
	1 гуруҳ		2 гуруҳ	
	abs	%	abs	%
Муддатдаги туғруқлар	16	40,0±7,7*	0	0
Муддатдан олдинги туғруқлар	24	60,0±7,7**	20	100
ҚПБЁ	7	17,5±6,1***	0	0
ҚПТБЁ	6	15,0±5,5	4	20,0±8,9

Изоҳ: * – ўртача арифметик қийматлар орасидаги фарқнинг ишончилиги 2-гуруҳга нисбатан белгиланган (* – p<0,001; ** – p<0,01; *** – p<0,05). ҚПБЁ – қоғонок пардаларни барвақт ёрилиши, ҚПТБЁ – қоғонок пардаларни туғруққача барвақт ёрилиши.

Тадқиқот давомида, резус-номутаносибликда нотўлиқ антирезус антитаналар титрининг аниқланиши прогностик қиймати чекланган бўлиб, ҳомила ва чақалоқ гемолитик касаллиги ривожланишини прогнозлаш бўйича ишончли мустақил мезон сифатида хизмат қила олмайди (4-жадвал).


4-жадвал

Гемолитик касаллик ривожланишида G синфдаги иммуноглобулинлар субклассларини аниқлаш аҳамияти, %

Имуноглобулинлар G синфлари	Ҳомиладорлар сони n=98	ЧГК n=62	Антирезус антитаналарнинг юқори титри n=49
G1	28	27 (96,4%)	19 (67,9%)
G3	15	15 (100%)	8 (53,3%)
G1- G3	12	12 (100%)	7 (58,3%)
Аниқланмади	43	8 (18,6%)	15 (34,9%)

Изоҳ: ЧГК – чақалоқлар гемолитик касаллиги

Айрим ҳолларда антитаналарнинг юқори титри, касаллик ҳолатларини ривожланиши билан бирга кузатилмаган, шу ўринда эса касалликнинг оғир шакллари антитаналар титрининг ўртача ва паст қийматларида ҳам қайд этилган. Шу билан бир ўринда, G синф резус иммуноглобулинлар субклассларини (IgG1 ва IgG3) аниқлаш юқори диагностик ва прогностик аҳамиятга эkanлигини намоён қилган. Ушбу иммуноглобулинлар субкласслари аниқланган ҳолатларда деярли барча ҳомидаларда гемолитик касаллик ривожланган, шунингдек, ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касаллигининг оғир шакллари ривожланиши ва иммуноглобулин IgG нинг энг иммуноген субкласслари аниқланиши ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланган (4-расм).



3-расм. Резус-иммунизацияли ҳомиладорларда антирезус иммуноглобулинларнинг таркибий тақсимооти

IgG резус иммуноглобулинлар синфларини аниқлаш, перинатал мониторинг ва резус-номутаносибликда прогностик аҳамиятли муҳим

инструмент ҳисобланиб, ўз вақтида ҳомиладорлар ўртасида юқори ҳавф гуруҳларини идентификация қилишга ёрдам берган.

Ўтказилган антропометрик кўрсаткичлар ҳамда чақалоқлар ҳолатини Апгар шкаласи бўйича баҳолаш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлиллар, ҳомиладорликни олиб боришда қўлланган тактиканинг таъсирини ва неонатал натижаларни кўрсатадиган гуруҳлар ўртасида ишончли фарқларни аниқлаган (5-жадвал).

5-жадвал

Янги туғилган чақалоқларнинг антропометрик кўрсаткичлари ва ҳолатини таҳлил қилиш, (M±m)

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ (n=40) (ҳомиладорликни анъанавий олиб бориш)	2 гуруҳ (n=20) (фетал технологиялар қўллаб олиб бориш)
Вазн, гр.	2757,48±104,44	2244,22±61,87*
Бўй, см.	45,61±0,77	41,35±0,4*
Апгар 1-дақиқада	6,83±0,21	5,78±0,41**
Апгар 5-дақиқада	7,86±0,2	6,83±0,41**

Изоҳ: * – 1-гуруҳ билан солиштирилганда ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончли фарқлар қайд этилган (** – p<0,01; * – p<0,001).

Чақалоқларнинг соматометрик ва функционал кўрсаткичларидаги белгиланган тафовутлар, перинатал ўлим ҳолатларини камайтириш ҳамда ривожланиши мумкин бўлган оғир асоратларни олдини олишга қаратилган антенатал аралашувларнинг табиий оқибати сифатида қаралиши мумкин.

Анъанавий кузатув гуруҳи ҳомиладорларидан туғилган чақалоқларда қон алмаштириб қуйиш амалиётига қон компонентларига бўлган эҳтиёж анча юқори бўлгани кузатилган, бу эса антенатал фетал коррекция ўтказилмаган ҳолатларда чақалоқлар гемолитик касаллигининг оғирроқ кечишини кўрсатган (6-жадвал).

6-жадвал

Чақалоқлар гемолитик касаллигини анъанавий олиб бориш (M±m, мл)


Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари			
	1 гуруҳ		2 гуруҳ	
Қон алмаштириш учун қон ҳажми, мл	417,95±13,97		366±6,98**	
Эритроцитар масса, мл	281,29±9,66		244,95±4,43***	
Плазма, мл	136,29±4,56		121,05±2,86***	
Гемотрансфузия	abs	%	abs	%
	2	5,0±3,45	3	15,0±7,98

Изоҳ: * – 1-гуруҳга нисбатан ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончли фарқлар қайд этилган (** – p<0,05; *** – p<0,01).

Ушбу ҳолат ҳомила ичи тиббий аралашувларининг туғруқдан кейинги асоратлар оғирлигини камайтириш ва интенсив терапияга эҳтиёжни пасайтириш имконини берган ҳолда клиник самарадорлигини тасдиқлаган.

Антенатал коррекция чақалоқлар гемолитик касаллиги клиник кечишини сезиларли даражада модификациялайди. Анъанавий олиб бориш гуруҳида касалликнинг энг оғир – шиш шакли анча юқори даражада учраши кузатилган бўлса, ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти ўтказилган гуруҳ вакилларида туғилган чақалоқлар когортасида бу кўрсаткич минимал (5%) даражада бўлган, бу ҳолат ҳомила ичи қон қуйиш фетал амалиётининг кучли профилактик самарасини кўрсатади.

Шу ўринда, чақалоқлар гемолитик касаллигининг анемик шакли фетал аралашувлар гуруҳида ишончли кўп кузатилган, бу катта эҳтимол билан, ушбу гуруҳга оғирроқ ҳолатдаги вазиятлар танлаб олингани ва даволашдан сўнг анемик компонент сақланиб қолиши билан боғлиқ бўлган. Ушбу натижалар резус-номутаносибликда фетал технологияларнинг клиник ҳамда прогностик аҳамиятини тасдиқлайди. Юқори технологик ҳомила ичи аралашувлари, ҳомила гемолитик касаллигининг оғир шаклларида юқори самарадорликни намоиш этган ҳолда, ҳомиладорлик муддатларини узайтириш ва неонатал натижаларни яхшиланишини кўрсатган. Перинатал ўлим ҳолатлари фақат анъанавий олиб бориш тактикаси қўлланган гуруҳда кузатилиб, ушбу кўрсаткич 5%ни ташкил қилган. Фетал даволаш гуруҳида перинатал ўлим ҳолатлари кузатилмаган (5-расм).



4-расм. Чақалоқлар гемолитик касаллиги шакллари ҳамда асфиксия даражаси, %

Диссертациянинг тўртинчи боби «Резус-иммунизацияли ҳомиладорларда ҳомила ичи қон-томир ичи қон қуйиш амалиётининг иммунологик асослари» деб номланган бўлиб, гемолитик касаллик билан туғилган чақалоқларнинг иммун ҳолати ва ҳомиладорликни бошқариш усули жиҳатидан ўрганилган. Чақалоқларда Т ҳужайравий ва гуморал иммунитет параметрлаининг солиштира таҳлили ўтказилган. Гемолитик касаллик билан туғилган чақалоқларнинг киндик қонини таҳлил қилишда, ҳомиладорликни олиб бориш стратегиясига қараб Т ҳужайравий иммунитет кўрсаткичларида аҳамиятли фарқлар аниқланган. Биринчи гуруҳда (анъанавий олиб бориш) туғилган чақалоқларда Т-лимфоцитларнинг CD3+ ва CD4+ ларнинг назорат қийматларга нисбатан 2,2 мартага камайгани статистик жиҳатдан

ишончилиги аниқланган, иккинчи гуруҳда (фетал аралашувлар гуруҳи) эса юқоридаги каби аҳамиятли камайиш кузатилмаган ва фақат 1,2 маротаба пасайишни кўрсатган. Табиий киллерлар CD16+/56+ кўрсаткичлари биринчи гуруҳда назорат қийматларидан 1,8 маротаба юқори бўлган (7-жадвал).

7-жадвал

Туғилган чақалоқларнинг асосий хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (киндик қони), ($M \pm m$, %)

Кўрсаткичлар	Ҳомила ичи қон қуйилмаган гуруҳ (1 гуруҳ, n=40)	Ҳомила ичи қон қуйилган гуруҳ (2 гуруҳ, n=20)	Назорат гуруҳи (n=20)
CD3+, %	28,66±1,51 *	47,88±1,96	62,44±5,31
CD4+, %	21,55±1,78 *	39,24±2,38	47,53±5,52
CD8+, %	25,82±1,66 *	20,46±1,22	18,60±3,36
CD4+/CD8+, ИРИ	0,85±0,06 *	1,67±0,18	2,32±0,24
CD20+, %	19,42±1,56	12,34±1,75	17,56±1,64
CD16+/CD56+, %	14,66±2,42 *	9,55±1,45	8,35±1,24

Изоҳ: * – назорат гуруҳи билан фарқларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги $p < 0,05$. ИРИ – иммун-регулятор индекси, CD – cluster of differentiation.

Гемолитик касаллик билан туғилган чақалоқлар гуморал иммунитет кўрсаткичлари таҳлил қилиш натижасида, ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти қўлланиш ҳолатига қараб, А ва М иммуноглобулинлар даражаларида фарқлар аниқланган (8-жадвал).

8-жадвал

Туғилган чақалоқларнинг асосий гуморал иммунитет кўрсаткичлари (киндик қони), ($M \pm m$, г/л)

Кўрсаткичлар	Ҳомила ичи қон қуйилмаган гуруҳ (1 гуруҳ, n=40)	Ҳомила ичи қон қуйилган гуруҳ (2 гуруҳ, n=20)	Назорат гуруҳи (n=20)
Имуноглобулин G	8,51 ± 1,21 *	7,33 ± 0,75	6,36 ± 0,35
Имуноглобулин A	2,95 ± 0,24 *	1,53 ± 0,32	1,28 ± 0,44
Имуноглобулин M	2,26 ± 0,45 *	1,64 ± 0,50 *	1,05 ± 0,45

Изоҳ: * – назорат гуруҳи билан фарқларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги $p < 0,05$

Хусусан, антенатал коррекция қилинмаган ҳомиладорлардан туғилган чақалоқларнинг киндик қонидаги иммуноглобулин А миқдори назорат гуруҳига нисбатан 2,3 мартага статистик жиҳатдан юқорилиги аниқланган. Ҳомила ичи гемотрансфузия олмаган гуруҳ чақалоқлари киндик қонида IgM миқдори назорат гуруҳига нисбатан 2,2 маротаба юқори бўлган, антенатал аралашув гуруҳи чақалоқлари киндик қонида эса 1,6 маротаба юқори бўлиб, бу кўрсаткич статистик аҳамиятли бўлган.

IgG синфи антитаналари трансплацентар транспорт қобилиятига эга бўлиб, она ва ҳомила ўртасида иммунологик боғлиқни таъминлайди, аксинча IgM антитаналари йўлдош орқали ўтмайди ҳамда асосан ҳомиланинг иммун-компенент хужайралари томонидан синтезланади. Олинган маълумотлар ҳомила ичи аралашувлари, антиген юкламаси ва ҳомиланинг иммун фаоллашувини камайтирилишида иштирок этишини кўрсатган.

ХУЛОСАЛАР

«Ҳомила гемолитик касаллигини ташхислашни ва даволашни иммунологик жиҳатлари» мавзусида ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ҳомила гемолитик касаллигининг оғир шаклларида юқори технологик фетал жарроҳлик амалиётлари, ҳомиладорлик муддатларини узайтириш имконини берган. Перинатал ўлим кўрсаткичлари фақат анъанавий олиб бориш гуруҳида 5% ҳолатда кузатилган бўлиб, фетал технологиялар гуруҳида перинатал ўлим ҳолатлари қайд қилинмаган.

2. Гел технологияси усули билан аниқланган резус иммуноглобулинлар орасида энг кўп учрагани резус IgG1 бўлиб, 26,8%ни ташкил қилган – бу резус IgG3 (15,3%) га нисбатан қарийб икки баробар кўп эканлигини ва резус-номутаносибликда унинг клиник аҳамиятини кўрсатган. Резус IgG1 ва IgG3 комбинацияси 12,2% ҳолатларда аниқланган ва аксинча бу икки иммуноглобулинларнинг аниқланмаслик ҳолати 42,8% ҳолатларда кузатилган. Ҳомиладорликни анъанавий олиб боришда антирезус антитаналар титрини аниқлашда натижаларнинг катта ўзгарувчанлиги ва таҳлилни кўп мартаба такрорлашга бўлган эҳтиёж, иқтисодий ва диагностик жиҳатдан гел микроусулини қўллаш мақбул технология ҳисобланган.

3. Ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти ўтказилмаган гуруҳ чақалоқлари хужайравий иммунитет кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар аниқланган: CD3+ ва CD4+ даражаси 2,2 мартага статистик аҳамиятли камайган, CD8+ 1,4 мартага ортган, иммунорегулятор индекс (IRI) 2,7 мартага камайган ҳамда CD16+/56+ даражаси 1,8 мартага кўтарилган. Ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти нафақат ҳомила қонининг гематологик кўрсаткичларини яхшилади, балки хужайравий иммунитет кўрсаткичларини ҳам яхшилаб, айниқса Т-лимфоцитлар сонини кўпайишига ёрдам беради, ушбу ҳолат Т-хужайравий иммунитетни қўллаб-қувватлаб, туғруқдан кейин чақалоқларда иммунодефицит ҳолатини ривожланишини олдини олиши аниқланган.

4. Ҳомила ичи қон қуйиш амалиёти ўтказилмаган гуруҳ чақалоқларида IgM даражаси 2,2 мартага ошган, IgA эса 2,3 марта статистик жиҳатдан аҳамиятли юқори бўлган ҳамда IgG даражаси назорат билан солиштирганда 1,4 марта кўпроқ бўлган. Гуморал иммунитет кўрсаткичларининг ортиши резус-номутаносибликка қарши гуморал иммун жавобнинг кучайганини кўрсатган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

ХАТАМОВ ХОЛДОРЖОН МАНСУРЖОН УГЛИ

**ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ДИАГНОСТИКИ И
ЛЕЧЕНИЯ ГЕМОЛИТИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ ПЛОДА**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2025

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.4.PhD/Tib5070.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.bsmi.uz) и на информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Жабборов Улугбек Узокович
Доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна
Доктор медицинских наук, профессор

Юсупбаев Рустем Базарбаевич
Доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Бишкекский международный медицинский институт

Защита диссертации состоится "12" Сентября 2025 г. в "14" на заседании Научного совета DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200118, город Бухара, улица Гиждуван, дом 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института. (зарегистрирована под No 148). Адрес: 200118, город Бухара, улица Гиждуван, дом 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан "5" Сентября 2025 г.
(Протокол в реестре No _____ от "29" Августа 2025 года).




Д.Т. Ходжиева
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор


Н.Ш. Ахмедова
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор


Г.А. Ихтиярова
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Гемолитическая болезнь плода по-прежнему остается серьезной проблемой в современной перинатологии, несмотря на широкое применение методов иммунопрофилактики. По данным ВОЗ, благодаря многолетнему применению послеродовой и антенатальной иммунопрофилактики в развитых странах, частота аллоиммунизации составляет около 0,1-0,3% (Baskett T.F. et al., 2019). Гемолитическая болезнь плода возникает в результате аллоиммунизации матери к антигенам эритроцитов плода, что приводит к иммунному распаду эритроцитов и фетальной анемии (Carolien Zwiers, Inge van Kamp et al., 2017). Ежегодно резус-несовместимость становится фактором, обуславливающим более 160 тысяч перинатальных летальных исходов, а также является одной из причин инвалидизации порядка 100 тысяч детей в государствах с ограниченными экономическими ресурсами (Visser G.H., Di Renzo G.C. et al., 2019).

Во всем мире в настоящее время основным методом лечения тяжелых форм гемолитической болезни плода признано внутривенное внутрисосудистое переливание крови (ВВПК), которое за последние десятилетия значительно улучшило перинатальные исходы. В настоящее время ВВПК считается безопасным методом лечения при соответствующей подготовке хирургов. Данный метод лечения тяжелых отечных форм и других форм гемолитической болезни плода, привело к увеличению показателей выживаемости до 75% и 90% соответственно (Wenxi Pan, Haiyan Wu, 2023). Иммуномодуляция вследствие ВВПК проявляется в виде иммуносупрессии и воспаления. Иммунное воспаление проявляется в виде активации (праймирования) лейкоцитов, усиления хемотаксиса нейтрофильных гранулоцитов и других реакций. В то же время иммунная супрессия характеризуется снижением активности натуральных киллеров, нарушением баланса субпопуляций Т-лимфоцитов, угнетением лимфоцитарной пролиферации и другими признаками (Muszynski J.A., Spinella P.C., Cholette J.M. et al., 2017).

Согласно данным отечественных исследователей, в Узбекистане в период с 2016 по 2018 годы наблюдалась тенденция к росту заболеваемости новорожденных гемолитической болезнью (ГБН). В контексте актуальности данной проблемы на сегодняшний день стоит отметить демографический подъем: по данным Управления медицинской статистики Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, в стране зарегистрировано увеличение числа новорожденных – в 2021 году родилось 869422 детей, в 2022 году – 911875, а в 2023 году – уже 937464. Несмотря на широкое внедрение методов иммунопрофилактики резус-иммунизации, отмечается высокие показатели рождения детей с гемолитической болезнью новорожденных (ГБН). Согласно статистическим данным, в 2021 году в Республике родилось 2086 новорожденных (0,24%) с ГБН, в 2022 году 2281 (0,25%) и в 2023 году

2812 (0,3%). Как в абсолютном, так и в процентном отношении отмечается увеличение данной патологии.

Один из важных аспектов современной медицины в системе здравоохранения Республики Узбекистан является доступность и высокотехнологичность медицинской помощи. Запланированное научное исследование посвящается изучению врожденного клеточного иммунитета у плодов при резус-иммунизации, что направлено на улучшение прогнозирования перинатальных исходов. А также проведение современных методов диагностики в ходе научной работы, в частности методов гелевых технологий для диагностики резус-иммунизации приводит к оптимизации ведения таких беременных в антенатальном периоде, избегая повторных традиционных исследований показателей неполных антирезусных антител. Данное обстоятельство определяет значимость данной научной работы и соответствует Указу Президента Республики Узбекистан, от 29.10.2020 г., № УП-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики: VI. «Медицина и фармакология».

